


15 Ёшли кашфиётчи

АҚШнинг Мэриленд штатида истикомат қилувчи 15 ёшли Жек Андрека тиббиётдаги энг катта муаммога барҳам берди. У ошқозон ости беши карциномасини диагностика қилиш усулини кашф қилди. Бу ҳақда "health-ua.org" сайтида хабар берилди.

Ошқозон ости беши карциномаси оғир онкологик касалликлардан бири бўлиб, у йиллар давомида ҳеч қандай белгиларсиз танада ривожланиши мумкин. Шу вақтга саратон касаллигининг мазкур кўринишини диагностика қилишнинг иложи йўқ эди. Ёш кашфиётчи томонидан илгари сурилган тиббий усул эса аввалгиларига қараганда касалликни 168 баробар тез ва бехато аниқлаши, шунингдек, арзонлиги билан эътиборга молик.

Жек Андрека ўз кашфиёти билан ёшлар ўртасидаги халқаро илмий-техник ижодиёт кўргазмасида иштирок этиб, энг яхши лойиҳа эгаси сифатида 75 минг АҚШ доллариға тенг мукофотни қўлга киритди.



ЭНГ УЗУН АВТОБУС

"The Local" нашининг ёзишича, Германиянинг Дрезден шаҳрида дунёдаги энг узун автобус пайдо бўлди. Унинг узунлиги 30, эни 2,55, баландлиги эса 3,4 метрни ташкил этади. Бу кўринишдаги автобуслар бир вақтнинг ўзида 256 нафар йўловчини манзилига элтиб қўйиши мумкин.



Ўзига хос бу автобус Фраунгофер транспорт тизими ва инфраструктурасини ривожлантириш институти томонидан ишлаб чиқилди. Ихтирочилар унинг экологик жиҳатларига ҳам алоҳида эътибор қаратишган. Автобусда қуввати 8 километр масофани босиб ўтишга етадиган электромотор мавжуд.

Ҳозир автобус синовдан ўтказилмоқда. Мазкур кўринишдаги транспорт воситалари Дрезден шаҳри кўчалари бўйлаб октябр ойидан ҳаракатланиши бошлайди. Институт раҳбари Маттиас Клинернинг айтишича, ушбу автобуслар келгусида фаолияти мамлакат учун қимматга тушаётган трамвайлар ўрнини эгаллайди.


ДАРАКЛАР

ФАНГА НОМАЪЛУМ ЖОНЗОТ ТОПИЛДИ

Чет эл ОАВ тарқатган маълумотларга қараганда, Фарбий Африканинг Гвинея қирғоғига денгиз тўлкини ғайриоддий мўйнали ҳайвон жасадини чиқариб ташлади. Шу вақтгача жаҳон илм-фани бундай жонзотга дуч келмаганди.

Унинг барча аъзолари жойида — боши, панжалари, тишлари, думи. Аммо тери қатламини ҳимояловчи тангачалари номаълум сабабларга қўра, танани деярли тарқ этиб бўлган.

Эндиликда олимлар олдида кўпчилигининг қизиқишига сабаб бўлган мазкур улкан сув жониворини ўрганишдек қизиқарли иш турибди.



ХОЛ — УЗОҚ УМР БЕЛГИСИ

Англиялик олимлар инсон танасидаги холларнинг кўплиги унинг соғлиғига хавф туғдиради, деган фикрни инкор этишди. Аксинча, улар холлар узок умр ва мустақкам соғлиқ гарови деган тўхтамга келишди.



Мавзуга оид тадқиқотлар Лондон қироллик коллежи томонидан ўтказилди. Тадқиқот жараёнида 120 нафар 18-79 ёшдаги эгизак аёллар иштирок этиди. Олимларнинг таъкидлашича, танасида юздан ортик тўғма доғи ёки холи бўлган кишилар секинлик билан қарийди ва тенгдошларига нисбатан ўртача 7 йилга ёш кўринади. Қолаверса, холлар мускул, қўз ва юрак фолитини яхшилаши, остеопороз касаллигига чалиниш хавфини икки баробар қисқартириши исботланди. Бунинг сабаби, кўп холли кишилар организми жуда узун теломерли оқ қон тўқималарини ишлаб чиқишидир.

Интернет хабарлари асосида Отабев ОТАЁРОВ тайёрлади.

КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Фаргона вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси танлов савдоси эълон қилади

Объект номи: Фаргона вилояти, Фаргона шаҳри, Хўжанд кўчасидаги виллоят молия божқармаси маъмурий биносини мукамал таъмирлаш.

Муддати — 25.12.2012 й.

Бошланғич нархи — 159 312 720 сўм ҚҚС билан ва 132 760 600 сўм ҚҚСсиз.

Буюртмачи: «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси. Манзил: Фаргона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 43-уй. Тел.8(373) 224-32-06.

Курилиш ишлари: Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Танлов савдосида фақат кичик бизнес субъектлари қатнашади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар куйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни куриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20 фоиз миқдорда айланма маблағига (заҳирадаги курилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл курилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига куйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларнинг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун суровнома билан савдо ташкилотчиси — Фаргона виллоят курилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг марказига куйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фаргона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 43-уй, телефон/факс: 224-18-71.

Танлов ҳужжатларини бир тўпламининг нархи — 63 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиб куйи ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб 30 (ўттиз) кундан кейин, Фаргона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 43-уйда ўтказилади.

КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Фаргона вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси танлов савдолари эълон қилади

Объектлар номи: 7-1. Фаргона виллояти, Олтиариқ тумани Ғайрат ҚФЙ Жўрак қишлоғидаги янги намунавий уй-жойлар йўли курилиши.

Муддати — 30.12.2012 й.

Бошланғич нархи — 201 173 947 сўм ҚҚС билан ва 167 644 955 сўм ҚҚСсиз.

7-2. Фаргона виллояти, Олтиариқ тумани Ғайрат ҚФЙ 8 март қишлоғидаги янги намунавий уй-жойлар йўли курилиши.

Муддати — 30.12.2012 й.

Бошланғич нархи — 120 438 762 сўм ҚҚС билан ва 100 365 635 сўм ҚҚСсиз.

7-3. Фаргона виллояти, Фаргона тумани Аввал ҚФЙ Аввал қишлоғидаги янги намунавий уй-жойлар йўли курилиши.

Муддати — 30.12.2012 й.

Бошланғич нархи — 155 295 325 сўм ҚҚС билан ва 129 412 771 сўм ҚҚСсиз.

7-4. Фаргона виллояти, Фаргона тумани Аввал ҚФЙ Аввал-2 қишлоғидаги янги намунавий уй-жойлар йўли курилиши.

Муддати — 30.12.2012 й.

Бошланғич нархи — 128 314 847 сўм ҚҚС билан ва 106 929 039 сўм ҚҚСсиз.

Буюртмачи: «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

Манзил: Фаргона шаҳар, ал-Фарғоний кўчаси, 43-уй. Тел. 8(373) 224-32-06.

Курилиш-таъмирлаш ишлари: Давлат ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Танлов савдосида фақат кичик бизнес субъектлари қатнашади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва кор-

хоналар куйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни куриш бўйича тажриба борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20 фоиз миқдорда айланма маблағига (заҳирадаги курилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл курилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига куйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларнинг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун суровнома билан савдо ташкилотчиси — Фаргона виллоят курилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг марказига куйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фаргона шаҳри, ал-Фарғоний кўчаси, 43-уй, телефон/факс: 224-18-71.

Танлов ҳужжатларини бир тўпламининг нархи — 63 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиб куйи ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб 30 (ўттиз) кундан кейин, Фаргона шаҳри, ал-Фарғоний кўчаси, 43-уйда ўтказилади.

«UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ ХОРАЗМ ФИЛИАЛИ

очик аукцион савдосига таклиф этади

2012 йил 5 октябрь соат 11:00 да бошланғич баҳоси охиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига Хонқа шаҳарчаси, Муллаёп кўчаси, 66-уйда жойлашган «Хонқа пахта тозалаш» ОАЖга қарашли куйидаги (техник носоз) автотранспорт воситаси куйидаги:


1995 йилда и/ч «МА3-54329», д/р 90 563 FAA, бошланғич баҳоси 10 277 225 сўм; 1985 йилда и/ч «МА3-93866 Тиркама», д/р 90 24 92 AA, бошланғич баҳоси 3 467 690 сўм;

Мазкур автотранспорт воситалари биринчи савдо кунда, яъни 2012 йил 5 октябрь кунда сотилмай қолган тақдирда такрорий аукцион савдолари ҳар ҳафтанинг жума кунлари соат 11:00 да ўтказилади.

Аукцион савдоси гоилиблари томонидан автотранспорт воситасини сотиб олиш баҳосидан ташқари савдо ташкилотчисига транспорт воситаси сотиб олиш баҳосининг 5 фоизи миқдорда комиссия йўғим тўланади. Аукцион савдоси гоилиб савдо ўтган кундан бошлаб 20 (йигирма) иш кунини ичида сотувчи билан транспорт воситаси олиш шартномаси тузади. Талабгорлардан аризалар ҳар кунни (дам олиш кунларидан ташқари) соат 9:00 дан 18:00 гача куйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушиш вақти). Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 1 (бир) кун олдин 18:00 да тўхтатилади. Аукцион савдолари Урганч шаҳри, ал-Хоразмий кўчаси, 30-уйда бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун закатат пули тўғрисидаги келишувни имзолаб, объект бошланғич баҳосининг 15 (ун беш) фоиздан кам бўлмаган миқдорда «Universal Auktion Invest» масъулияти чекланган жамияти Хоразм вилояти филиалининг Урганч шаҳар АИТБ «Ипотека банк» Тинчлик филиалининг, МФО 00580, ИНН 302083379, 2020 8000 5049 3216 8008 ҳисоб рақамига закатат пулини тўлашлари ва куйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, урнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закатат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати.

Қўшимча маълумот олиш манзил: Урганч шаҳри, ал-Хоразмий кўчаси, 30-уй. Тел: (+99862) 226-96-36.

“МИКРОКРЕДИТБАНК”



очик акциядорлик тижорат банки жамоаси барча юртдошларимизни мамлакатимиз Мустақиллигининг 21 йиллиги билан муборакбод этади!

Ҳурматли юртдошлар!
“Микрокредитбанк” ОАТБ Сизларга куйидаги юқори фоизли омонат турларини таклиф этади:

- “МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 21 ЙИЛЛИГИ”
- “ОИЛА ҚУВОНЧИ”
- “БОЛАЖОН”

Хизматлар лицензияланган

“Микрокредитбанк” сармоялари — тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққиёт хизматида!

ХАЛҚ БАНКИ

ДАВЛАТ ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ

жамоаси барча юртдошларимизни

Истиклолимизнинг 21 йиллиги билан табриклайди!

Байрам муносабати билан Сиз азизларга янги “Болажонга мадад” жамғарма ҳамда “Ойла манфаати” муддатли омонатларини таклиф этади.

Омонатларга маблағлар банкнинг филиаллари томонидан миллий валютада чекланмаган миқдорда нақд ва нақд пулсиз шаклда қабул қилинади.

Маблағларингизни мазкур омонатларда сақлаб даромад олинг, имкониятни қўлдан бой берманг!



Доим Сиз билан бирга

СОҶАГА БИР НАЗАР



АСОСИЙ МАҚСАД — ХИЗМАТ МАДАНИЯТИНИ ЯХШИЛАШ

Бир кун ҳаётингизни ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур этиб кўринг-а! Йўқ, бир кун тугул, ҳатто бир соатга ҳам бунинг иложи йўқ. Инчунун, ахборот-коммуникация технологиялари XXI аср одамнинг турмуш тарзида энг муҳим омилга айланиб улгурди.

арҳакият, бугун ижтимоий ҳаёт ривожда, унинг барқарор тараққиётини таъминлашда ахборот-коммуникация технологиялари асосий ўринни тутмоқда. Айниқса, почта хизмати кўрсатиш, унинг турларини янада кўпайтириш муҳим ҳаётий омилдир. Шу боис, мамлакатимизда почта хизматини янада такомиллаштириш, унинг самардорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, Республика Вазирлар Маҳмадининг 2005 йил 19 майда қабул қилинган "2010 йилгача почта алоқаси шохобчаларини замонавийлаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари негизда хизматларнинг янги турларини жорий этиш ва ривожлантириш" дастури тўғрисида"ги қарори ва унинг асосида ишлаб чиқилган "Почта алоқаси шохобчаларини замонавийлаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари негизда хизматларнинг янги турларини жорий этиш ва ривожлантириш" лойиҳасини бажариш юзасидан кенг миқёсда ишлар амалга оширилди. Почта хизматининг энг янги, замонавий турлари ташкил этилди. "Ўзбекистон почтаси"

ОАЖ тизимида корпоратив компьютер тармоғи (ККТ) орқали электрон маълумотлар алмашинуви йўлга қўйилгани, электрон пул ўтказмалари (ЭПЎ) тизими жорий этилгани фикримизнинг яққол далилидир. Шунингдек, пул тўловларини қабул қилишнинг автоматлаштирилган тизими ишлаб чиқаришга жорий этилиши туфайли аҳолининг бу борадаги муаммолари анча енгиллашди, вақтни тежаш, қисқа фурсатда ишни бажариш имконияти яратилди. Айни пайтда корпоратив компьютер тармоғига ОАЖнинг барча туман почта алоқаси тармоқлари ва 755 тадан ортиқ почта алоқаси бўлимлари боғланган. Холбуки, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг биринчи ярмида 267 тани ташкил этарди, холос. Шу биргина қиёснинг ўзидек соҳада олиб борилаётган ишлар кўлами нақадар кенглигидан дарак беради. Тармоқнинг жамият бошқарма аппарати ва "Uznet" оператори ўртасида маълумотлар ўтказиш тезлиги 512 мегабит/сек.га етказилди. Корпоратив компьютер тармоғида ахборот хавфсизлиги чоралари кўрилиб, электрон пул ўтказмалари ва пул тўловларини қабул қилиш тизимларида электрон рақамли имзо қалитлари қўлланил-

моқда. Жорий йилда 250 та иш жойи "UNICJN.UZ" давлат унитар корхонаси билан тузилган шартнома асосида "E-Hijjat" тизимига боғланди. Почта алоқаси объектлари қошида аҳолига компьютер хизматлари кўрсатиш, ахборот-коммуникация технологияларидан унумли фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратилмоқда. Айни пайтда уларда 47 та интернет-кафе фаолият кўрсатмоқда. Уларга ўрнатилган 237 та компьютер орқали интернет, электрон почта ва бошқа замонавий хизматлар кўрсатилаётди. Энг асосийси, бугун ушбу хизмат турлари аҳоли турар жойларига, ҳатто кишлоқларга ҳам кириб бормоқда. Бу борадаги айрим камчиликлар вақтида бартараф этилиб, хизмат турларини ва самардорлигини ошириш чоралари кўриляпти. Айтайти, зарар кўриб, ўзини ўзи оқламаётган айрим интернет-кафелар ижарага берилгач, хизмат сифати тубдан яхшиланиб, самардорлиги ошмоқда. Жорий йилда почта алоқаси объектларида ўтган йилнинг биринчи ярмидаги 437 та ўрнига 945 та иш ўрни ташкил этилди. Улардан 190 таси почта алоқалари тармоқларида, 755 таси алоқа бўлимлари, жамиятнинг электрон пул ўтказмалари ва пул тўловларини қабул қилишнинг автоматлаштирилган тизимларида фаолият кўрсатмоқда. 164 та иш жойи "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг биллинг тизимига уланган. Халқаро электрон пул ўтказмалари тизими ор-

қали Украина, Россия, Қозоғистон, Беларус ва Молдова почта маъмуриятлари билан электрон пул ўтказмалари алмашинуви йўлга қўйилган. "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг "Ўзмонбайл" филиали билан 500 та уяли стационар телефон аппаратини алоқа сифати ёмон ва стационар телефон алоқаси мавжуд бўлмаган почта бўлимларига ўрнатиш бора-бора шартнома тузилди. Айни кунда 250 та терминални тармоққа боғлаган ҳолда синовдан ўтказиш ишлари олиб борилаётган бўлиб, бу олис ҳудудларда почта хизматини яхшилаш имконини беради. Жамиятнинг ҳудудий филиалларида 1192 та пластик карточка терминали орқали аҳолига хизмат кўрсатилмоқда. Бу ўтган йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан 292 та кўп демакдир. Автоматлаштирилган пенсия тўловлари ҳисоб-китоби ва назорати тизимини Молия вазирилик ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси тизимида яратилаётган "Пенсия" АТ дастурига мослаштириш юзасидан дастурни модернизациялаш бўйича "Фидо бизнес" МЧЖ билан 68 миллион сўмлик шартнома имзоланиб, тегишли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда Автоматлаштирилган пенсия тўловлари ҳисоб-китоби ва назорати ҳамда "Пенсия" АТ тизимларини VPN каналлари орқали боғлаб, синов ишларини ниҳоясига етказиш кутиляпти. "Rebic" МЧЖ билан тузилган шартнома асосида почта хизматининг замонавий тур-

ларидан самарали фойдаланишни янада такомиллаштириш мақсадида рўйхатга олинувчи почта жўнатмаларини назорат қилиш тизими дастури ишлаб чиқилди ва ишга туширилди. Жами 229 та автоматлаштирилган иш жойлари мазкур тизим орқали фаолият кўрсатмоқда. Шу кунларда жамиятда иккита веб-сайт ишлаб турибди. Улар орқали почта соҳасига тегишли маълумотлар ва янгиликлар билан танишиш имконияти яратилган. Бунга почта индекслари, почта хизмати тарифлари, рўйхатга олинувчи почта жўнатмалари, рўйхатга олинувчи кирувчи ва чиқувчи тезкор почта жўнатмалари ҳақида интернет орқали маълумот олиш қабилар қиради. Сайтга аҳоли яшаш пунктларининг алфавитли рўйхати ҳам киритилган. Жорий йилда мазкур сайтлар орқали фуқаролардан тушган 220 та мурожаатга ўз вақтида жавоб берилди. Бу, албатта, хизмат кўрсатиш ва маркетинг тизими аҳоли билан бевосита алоқани йўлга қўяётганини, уларнинг қўндалик эҳтиёжлари ва талабларини ўз вақтида ўрганиш асосида почта хизматини ташкил этишнинг энг замонавий ва самарали усуллари билан кенг фойдаланилаётганини кўрсатади. Ички сайтда корпоратив тармоқ орқали боғланиб, меъёрий ҳужжатларнинг электрон базаси, масофадан туриб ўқиш ва бошқа ресурслардан фойдаланиш учун кенг имконият яратилган. 2010 йил 15 мартдан бошлаб "Ўзбекистон почтаси" ОАЖнинг интернет магазини

орқали почта маркалари ва филателистик маҳсулотлар сотилмоқда. 2011 йил августдан эътиборан "Тошкент почтамати" филиалида интернет орқали курьерлик хизматига буюртмаларни қабул қилиш хизмати ишга тушди. "Почта алоқаси шохобчаларини замонавийлаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари негизда хизматларнинг янги турларини жорий этиш ва ривожлантириш лойиҳаси"нинг 2011-2012 йилларга мўлжалланган иккинчи босқичи — "Почта алоқаси бўлимлари даражасида технологик жараёнларни автоматлаштириш ва янги хизмат турларини ривожлантириш" лойиҳаси "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ кузатув кенгашининг 2011 йил 25 майдаги йиғилишида кўриб чиқиб маъқулланган. Жорий йилдан бошлаб лойиҳада қуйидаги тадбирлар амалга оширилмоқда: — бухгалтерлик ҳисоби ҳамда корхона бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимларини яратиш бўйича ИТИ "Алгоритм инжиниринг" ва "Фидо бизнес" МЧЖларнинг таклифлари ўрганиб чиқилмоқда; — "Обуна" автоматлаштирилган тизимини яратиш ва ишга тушириш бўйича амалий ишлар бажарилмоқда; — лойиҳага биноан 2012 йилда 173 та почта алоқаси объекти учун мебель жиҳозлари сотиб олиш бўйича тендер эълон қилинди ва бу борада тегишли ишлар олиб борилаётган бўлиб; — гибрид пул ўтказмалари тизимини яратиш бўйича "Фидо бизнес" МЧЖ билан

ҳамкорликда дастур ишлаб чиқилди ва шу йилнинг 10 май куни ушбу хизмат фойдаланишга топширилди. Амалдаги автоматлаштирилган тизимларга боғлаш лойиҳасига мувофиқ 106 та почта алоқа бўлими ҳамда бухгалтерлик ҳисоби автоматлаштирилган тизимга боғланадиган 364 та иш жойини керакли техникалар билан таъминлаш, 106 та почта алоқаси бўлимини компьютерлаштириш учун харид қилинадиган компьютер ва бошқа техникаларни сотиб олиш бўйича тендер ўтказиш ишлари якунланмоқда; — Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 мартдаги "Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий қилиш ва ривожлантириш чоралари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида "Алоқа" комплекс автоматлаштирилган тизимига интеграцияланувчи "Pochta aloqasi" автоматлаштирилган тизимини яратиш ва уни синовдан ўтказиш ишлари "Uzinfocost" ДАК билан ҳамкорликда олиб борилмоқда. Хулоса қилиб айтганда, почта хизматининг янги, замонавий турларини янада кўпайтириш, уларнинг самардорлигини ошириш ва хизмат маданиятини янада яхшилаш борасида кенг қўламли ишлар амалга ошириляпти. Бу, ўз навбатида, аҳолининг қўндалик юмушларини янада осонлик билан бажариш, ўзаро алоқаларни тез ва сифатли ўрнатиш имконини беради.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ матбуот хизмати

Фарғона вилоят ҳокимлиги
Халқ таълими
Бошқармаси

Барга қортоқлари мизни, шу жулмадан, буюк келажак миз
 урун муносиб авлодни тарбиялаб калом топтиришда фидойлик
 кўрсатаётган ўқитувчи ва мураббийлари мизни

элу юрти миз Мустақилликнинг 21 йил миз
 байрали билан қизгин қутлайди.

Хонадонларингизга тиллик-омонлик, файзу барокот,
 зар бирингизга мустақкам соғлик ва
 кўтаринки руҳият тилаб қоламиз.

Энди насллар миз мангилайдан иқбол мураббийлари зор қабон ари масин!

21 yil

Урун тумани Муббиёт
бирлашмаси жамоаси

Ўзбекистон халқини
 истиқлол айёми билан
 гин юракдан
 муборақбад этади.

Ота-
 бабалар миз
 орду қилган
 Истиқлол
 тоабод мангу
 бўлсин.

Байрамингиз
 муборақ
 бўлсин!



«ЎЗБЕКТУРИЗМ» МИЛЛИЙ КОМПАНИЯСИ


Хурматли ватандошлар, «Ўзбектуризм» МК Сизларни Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни билан табриклайди. Ўзбек халқи учун қадрли бўлган бу кунда Сизга бахт-саодат, оилавий хотиржамлик, мустақкам соғлик ва ишларингизга омадлар тилашга рухсат бергайсиз. Мустақил Ўзбекистоннинг эришаётган ютуқлари Ватанимизнинг гуллаб-яшнашига имкон яратувчи янги марраларни қўлга киритишингизда илҳомлантиришига ишонамиз.



Фарғона вилоят ҳудудий «Пахтасаноат» акциядорлик бирлашмаси жамоаси

мамлакатимиз аҳлини
Ўзбекистон Республикаси
Мустақиллигининг 21 йиллик
байрами тўнсабати билан
қутлайди!

Юртимиз остони
тўсатффо, дастурхонимиз
тўкин,
Истиқлолимиз
абадий бўлсин!



РЕСПУБЛИКА «ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ ИНВЕСТ» ИХТИСОСЛАШГАН ШЎЪБА ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИНING ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ

Хамма нарса — Инсон учун, бунёдкор халқнинг бахту саодати, фаровонлиги учун! Мустақил Ўзбекистонимизда қизгин кечаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ўзининг туб моҳияти билан ана шу эзгу мақсадларга қаратилган. Бундан атиги уч йил аввал — 2009 йилда Фарғона вилояти туманларида қишлоқ аҳолиси учун намунали лойиҳалар асосида 40 та замонавий ва шинам, барча қулайликларга эга бўлган уй-жойлар қуриб берилган бўлса, бу кўрсаткич 2012 йилга келиб 700 тага етди. Ана шу олижаноб ва улуғвор ишларни амалга оширишда вилоятимизнинг қўли гул бинокорлари астойдил меҳнат қилишмоқда. Биз бугунги мўтабар айёмда, айниқса, Аҳмадхожи Турдиматов (Қўштепа туманидаги 296-ХИКМК МЧЖ), Маъмиржон Аҳмедов («Тошлоқ қурилиш ва таъмирлаш» корхонаси), Бобокалон Абдуллаев (Олтиариқ туманидаги Иқболжон Гаффоров номидаги хусусий ихтисослаштирилган фирма)лар бошқараётган қурувчилик жамоаларини, Бешариқ туманидаги «Маъмиржон Ганиев келажаги» ҳамда Езёвондаги «Раҳмон Умар файз» хусусий корхоналари бинокорларини хурмат билан тилга оламиз.

Мустақиллигимиз 21 йиллиги шодиёналари барчамиз учун муборак бўлсин, азиз юртдошлар! Улуғ мақсад йўлидаги эзгу ишларимиз бароридан келсин. Ҳар бир хонадон файзу тароватга, шоду хуррамликка, энг яхши дамларга тўлиқ бўлсин. Тинч, бунёдкорлик руҳи устувор ҳаётимиздан файзу барака ҳеч қачон аримасин!



Тадбир

Миллий кино истиқболи йўлида

Халқ маънавияти, маданияти юксалишида, баркамол авлодни тарбиялашда кино санъатининг ўз ўрни бор. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда мустақиллик йилларида кино соҳасига алоҳида эътибор қаратилди. Натижада янгича мулкчилик шаклидаги корхона ва киностудиялар ташкил топди, миллий фильмларимиз салмоғи ошди. Ҳозирги пайтда 80 дан ортиқ хусусий студияларнинг фаолият юритаётгани миллий киносоноатимизнинг қай даражада ривожланаётганидан далолат беради.

Хўш, бугунги кинематография аҳоли, киностудиялар ўртасидаги рақобат қандай?

Юртбошимизнинг 2004 йил 16 мартда эълон қилинган «Кинематография соҳасида бошқаришни тақомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони мамлакатимизда эркин демократик жамият барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ўзгариш ва ютуқларни, миллий истиқлол ғоясининг мазмун-моҳиятини бадиий акс эттириш, кинематография соҳасининг халқимиз ҳаёти, айниқса, ёшлар тарбиясидаги ўрни ва таъсирини кучайтириш, ғоявий-бадиий савиясини оширишда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган «Миллий киносоноатимизнинг янги даври. Мустақиллик йилларида яратилган бадиий фильмларда замонавий қаҳрамон тимсоли: муаммо ва ечимлар» мавзусидаги матбуот анжуманида шу ҳақда сўз юритилди. Таниқли режиссёр ва актёрлар, соҳа мутаассадлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган матбуот анжуманида асосий ургу бадиий фильмлардаги замонавий қаҳрамон тимсолига, бу борадаги муаммо ва ечимларга қаратилди.

Матбуот анжуманида таъкидланганидек, ҳар бир давр ўз қаҳрамонларини яратади. Бу вазифа ижодкорлар, шу жумладан, кино соҳаси вакиллари зиммасига ҳам қатта масъулият юклайди. Шундай экан, режиссёрлар, актёрлар ва сценарий муаллифларидан чуқурроқ изланиб, замонамизнинг ҳақиқий қаҳрамонини ўзида мужассам этган бадиий етук фильмларни яратиш талаб этилади.

— Кўп йиллардан бери битта орзуим бор эди, — деди Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, таниқли режиссёр Зулфиқор Мусоқов. — Миллатимиз илдизига болта урган қатагон йиллари ҳақида фильм қилишни ўйлаб юрардим. Буни «Кўрғошин» фильми орқали ифода этишга уриндим. Унда ўтган асрнинг эллигинчи йилларидаги қатагон минглаб беғунох юртдошларимизнинг ҳаётини фоҳиғага айлантиргани ҳикоя қилинади. Фильм шу кунгача ўртта кинофестивалда совринли ўринларни қўлга киритди.

Кино тарбия, тарғибот вазифасини бахариши билан бирга тарих зарваракларини ҳам ўзида муҳрлайди. Узоқ-яқин ўтмишининг қора кунларини намойиш этадиган кинотасвирларни кўриб, беихтиёр, тилимизга шукроналик калимаси келади. Бундай фильмлар Ватанга муҳаббат, яқинларига раҳм-шафқат каби чин инсоний фазилатларни камол топтириши билан ҳам эътиборлидир.

— Жаҳон кино дурдоналари ҳазинасидан ўрин олган бир қанча мумтоз миллий фильмларимиз бор. Уларни кўрган сари кўринг келаверади. Сабаби, «Тоҳир ва Зухра», «Ўткан кунлар», «Маҳаллада дув-дув гап», «Суюнчи» каби фильмларимизда нафақат халқ маънавиятини юксалтиришга ургу берилган, балки улар миллатимизнинг гўзал қадриятларини ўзида мужассам ҳам этган, — деди эл суйган актёр Хайрулла Саъдиев. — Ана шу руҳдаги киносценарийлар кўпайса, менимча, айни муддао бўларди.

Аввало, миллий кино санъатимизда давр билан ҳамнафаслик руҳи кучайиб бораётганини таъкидламоқ лозим. Давлат ва хусусий студиялар бозор муносабатларига дадил қадам қўйди. Улар замонавий йўналишларга кўпроқ эътибор қаратмоқда. Хусусий студиялар томонидан суратга олинаётган айрим фильмлар замирида гарчи томошабинга тарбия берувчи кичик омиллар ётса-да, маъно-мазмун жиҳатдан жуда саёз, кадрлар жўн. Кўп маблағ, кўп вақт, кўп ҳаракат талаб қилинса-да, келгуси авлодлар ҳам суйиб томоша қиладиган ўлмас фильмлар яратиш янги давр кинематографиясининг муҳим вазифаларидан бири бўлиши лозим.

Айни пайтда савияси паст фильмларнинг пайдо бўлишига кинотанқидчиликнинг оқсаетгани ҳам сабаб бўлмоқда. Яратилаётган фильм, ёзилаётган киноасар ҳақида матбуотда ҳам, телевидениеда ҳам фақат ижобий баҳо берилмоқда, ваҳоланки бу баҳога арзимайдиганлари ҳам бор. Уларни саралаш учун эса чуқур таҳлил керак. Зеро, танқидсиз юксалиш бўлмайдми.

Юртимиз кино санъати намоёндалари элга манзур бўларли асарлар яратиш баробарида бўлажак томошабинлар орасида ҳам бўлиб, улар билан ижодий учрашувлар ўтказмоқда. Бир сўз билан айтганда, замонамиз қаҳрамонлари образларини яратишда ижодий изланишлар олиб бормоқда. Мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллиги арафасида таниқли кино-актёрлар, режиссёр ва соҳа мутахассисларидан бир гуруҳи Сирдарё, Наманган, Андижон ва Қорақалпоғистон вилоятларда бўлиб қайтишди. Биз эса бундай ижодий изланишлар самарасини кутиб қоламиз.

Гўзал МАЛИКОВА,
«Hurriyat» мухбири

«ҒАРБҒАЗТАЪМИНОТИ» ДУК ВОБКЕНТ ФИЛИАЛИ

юртдошларимизни
мамлакатимиз
Мустақиллигининг
21 йиллик
байрами билан
самимий
муборак
этади!

